

ЖИЗЗАХНИНГ САЛОҲИЯТИ, ИМКОНИЯТИ КАРРАСИГА ОШДИ, ОДАМЛАРНИНГ ҲАЁТГА, ИШГА МУНОСАБАТИ ТУБДАН ЎЗГАРДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 2 декабрь куни ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш ҳамда келгусидаги вазифаларни фаоллар иштирокида белгилаб олиш учун Жиззах вилоятига ташир буюрди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб замонавий ва қўлай йўл инфратузилмасини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Вилоят марказини М-39 халқаро автомобиль йўлига боғлаш мақсадида қарийб 290 миллиард сўм ҳисобидан 700 метрлик йўл ўтказгич ва 4 километрлик янги автомобиль йўли қурилди.

Мазкур йўл ҳар куни 14 мингдан ортиқ транспорт воситасини ўтказиш имкониятига эга.

Шу пайтгача ушбу йўналишдан аҳоли шаҳарга кириш-чиқиш учун 25 километрлик айланма йўлдан фойдаланишга мажбур эди. Янги иншоот туфайли бу масофа 4 километргача қисқарди, эски йўлдаги тирбандликлар бартараф этилди. Бу нафақат ҳайдовчилар, балки тadbirkorлар, логистика ва хизмат кўрсатиш соҳаси учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Металл конструкциялардан замонавий технология асосида барпо этилган ўтказгичнинг хизмат муддати 100 йил деб баҳоланмоқда. Анъанавий темир-бетон ўтказгичлар одатда 50 йил хизмат қилади. Демак, хизмат муддати икки баробарга узайди.

Лойҳанинг яна бир муҳим жиҳати — илгари йўловчи ва юк поездлар ўтган пайтда автомобиллар темир йўл кесиммасида тўхтаб қолишга мажбур эди, эндиликда эса йўл ўтказгич қурилгани туфайли тез тиббий ёрдам, ўт ўчириш ва бошқа махсус хизматларнинг ҳаракати анча енгилади.

Шу ернинг ўзига давлатимиз раҳбарига атом энергетикаси лойиҳаларининг бориши тўғрисида ахборот берилди.

Айни пайтда Жиззах вилоятида интеграциялашган иккита кам қувватли реактор ва

иккита катта реактордан иборат атом электр станциясини барпо этиш бошланган.

Ҳозирги босқичда реактор биноси учун котлован қазиш ишлари фаол паллага кирган. Қурилиш-монтаж базаси учун ер текислаш, бетонлаш, арматура ўрнатиш ишлари бажарилмоқда. Қурувчилар яшаши учун вақтинчалик турар жой мажмуаси барпо этилган.

Атом электр станцияси учун зарур қурилиш материалларини маҳаллийлаштириш, олиётҳоларда соҳа учун кадрлар тайёрлашни кенгайтириш режалари тақдимот қилинди.

Бўлажак электр станцияда меҳнат қиладиган мутахассислар ва уларнинг оилалари учун моношаҳарча қуриш лойиҳаси ҳақида маълумот берилди. Шаҳарча АЭСдан 16 километр узоқликда жойлашган, 10 минг кишига мўлжалланган бўлади, унда барча зарур инфратузилма, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш объеклари кўзда тутилади.

Президентимиз Жиззах шаҳрига кириш қисминини замонавий қиёфага келтириш бўйича мастер-режа ва реновация лойиҳалари тақдимоти билан ҳам танишди.

Реновация дастури асосида Жиззахда эски уй-жойлар ўрнида замонавий, қўлай ва хавфсиз турар жойлар барпо этилиши режалаштирилган. Шунингдек, IT-марказ биносини барпо этиш, ҳунармандчилик марказини ташкил этиш, айрим мавжуд мажмуаларни реконструкция қилиш ҳамда гавжум кўчаларни тартибга келтириш каби лойиҳалар билан танишилди.

— Бугунги Жиззах — кечаги Жиззах эмас.

Вилоятни салоҳияти, имконияти каррасига ошди, одамларнинг ҳаётга, ишга муносабати тубдан ўзгарди. Шу имкониятларни аҳоли

фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган аниқ лойиҳаларга айлантиришимиз керак, — деди Президент.

Тақдимотлар давомида муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари Жиззах политехника институтини қўшида ташкил этилган Автомобилсозлик муҳандислик мактаби фаолияти билан танишди.

Бу ерда “BYD Uzbekistan Factory” ва “ADM Jizzakh” корхоналари билан малакали мутахассислар тайёрлаш ва уларни ишга жойлаштириш бўйича ҳамкорлик ўрнатилган.

Муҳандислик мактабида транспорт соҳасига ихтисослашган тўрт таълим йўналиши бўйича ўқув дастурлари янгича ёндашув асосида ташкил этилган. Хусусан, иккинчи курсни юқори кўрсаткичлар билан таомлаган талабалар BYD заводи талабалари асосида ишлаб чиқилган замонавий ўқув платформаларида икки йиллик дуал таълим олади. Талабалар завод билан тўғридан тўғри ҳамкорликда амалий машғулотларни ҳам ўтаб боради, бу эса уларга махсус ишга йўллама сертификатига эга бўлиш имконини беради.

Қисқа муддатли тайёрлов курсларида автомобиль заводига ишга кирувчи номзодлар, завод ишчилари ва ишсиз ёшларга ўзлари қизиққан касблар ўргатилади. Бу ерда BYD автомобиль ишлаб чиқариш мини конвейери ҳам ташкил этилган. Ишлаб чиқариш цехида пайвандлаш, бўяш, йиғув ва сифат назорати бўлимлари мавжуд.

Электромобиль ва зарядлаш станциясининг тузилиши, электромобилларга хизмат кўрсатиш, саноат ва дастурлаш муҳандис-

лиги, таннарх ва реверс муҳандислиги йўналишларига ихтисослашган махсус хоналар ташкил қилинган.

Дунё автомобиль саноатида битта қоида мавжуд: рақибни таҳлил қилмаган компания ривожлана олмайди.

Жиззахдаги ушбу муҳандислик мактабида биринчи марта махсуслотни техник-аналитик солиштириш, харажатларни моделлаштириш (cost modeling), ишлаб чиқаришни оптимallashtiriш, жараёнларни глобал стандартлар билан таққослаш каби кўникмалар ҳам ўргатилмоқда.

Муҳандислик мактаби фақат талабалар учун эмас, балки соҳада фаолият юритиш истагидаги ёшлар ва мутахассислар учун ҳам очик. Бу ерда малака ошириш дастурлари, бошланғич касбий тайёргарлик курслари ва тadbirkorлар учун амалий ўқув модуллари ташкил этилган. Уларда илғор мутахассислар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг тажрибали муҳандислари фаол иштирок этади.

Мактабнинг асосий мақсади — талабани тайёр кадр сифатида иш жойига боришидан олдин амалиёт муҳитига олиб киришдан иборат. Натижада битирувчилар бозор талабларига тўлиқ жавоб берадиган, етук ва рақобатбардош мутахассисга айланади.

Давлатимиз раҳбари мактабдаги машғулотлар жараёнини кузатиш, мини конвейерда ишлаётган талабалар билан суҳбатлашди.

Президентимиз шу ерда республика ва вилоят фаоллари билан ҳам мулоқот қилди.

Кейинги йилларда Жиззахда саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа кўплаб соҳаларда янги натижаларга эришилаётгани қайд этилди. Лекин ишга солинмаган имкониятлар ҳали кўплиги айтилди.

— Жиззахга келиб, янги ўсиш нуқталарини белгилаб олишни мақсад қилганмиз. Асосийси, аҳоли, хусусан, ёшларга муносиб шароит яратиш, юқори даромадли иш билан таъминлаш, — деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев янгидан барпо этилган Жиззах вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига ташир буюрди.

Ушбу мажмуа аҳолига барча зарур тиббий хизматларни бир жойнинг ўзига кўрсатиш имконини яратиши билан катта аҳамиятга эга. Лойиҳа вилоятда ташкил этилаётган тиббиёт кластерининг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Замонавий тиббиётда бундай кластерли ёндашув тезкор диагностика, юқори технологияли даволаш ва шифо истаганлар учун биорократик жараёнларни камайтиришнинг энг самарали модели сифатида тан олинган.

Давлатимиз раҳбарига муассаса имкониятлари ҳақида маълумот берилди. Президент беморларни даволаш, шифокорларнинг самарали ишлаши учун яратилган шароитлар билан танишди.

Марказ замонавий етти қаватли бинода жойлашган бўлиб, кунига 400 нафаргача беморни қабул қилиш қувватига эга. Стационар ўринлари 344 та бўлган марказга умумий қиймати 100 миллиард сўмдан ортиқ замонавий жиҳозлар — МРТ, МСКТ, лаборатория комплекслари ҳамда юқори технологияли жаррохлик ускуналари ўрнатилган.

Поликлиника, радиология, кардиохирургия, нейрохирургия, офтальмология ва урология каби бўлимларнинг бир мажмуада жойлашгани тиббий хизмат кўрсатишни тезлаштиради, шифокорлар ўртасидаги

ҳамкорлик ва беморлар ҳаракатини енгилаштиради. Айниқса, янги имкониятлар туфайли юқори технологияли операциялар учун навбатларнинг қисқариши лойиҳанинг энг катта ижтимоий самарасидир.

Марказ ишга тушиши натижасида Жиззах аҳолисининг республика шифохоналари ёки қўшни вилоятларга қатнаши 75-80 фоизга камаюви.

Тиббиёт кластерида Қозон федерал университети билан маҳаллий мутахассислар учун малака ошириш, илғор диагностика ва даволаш усулларини жорий этиш, замонавий тиббий стандартларни ўзлаштириш имкониятини берувчи узок муддатли ҳамкорлик ўрнатилди.

Президентимиз соғлиқни сақлаш масъула-ри ва ҳодимлари билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари тиббиёт кластерлари ва кўп тармоқли клиникалар бошқарувида эскича ёндашувлардан чекиниб, янги механизмларни жорий қилиш, жумладан, тиббиётнинг ҳар бир йўналиши бўйича хориждан халқаро экспертлар ва етакчи менежерларни жалб қилиб, маҳаллий мутахассисларни ўзимизда, бевосита муассасаларда ўқитиш, малакасини ошириш, рақамлаштириш ҳамда сунъий интеллектдан фойдаланишни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Бу Жиззах тажрибаси бўлиши кераклиги қайд этилди.

Президентимиз аҳолининг тиббий хизматлардан розилиги масаласига алоҳида тўхталди. Соҳада амалга оширилаётган ҳар қандай ўзгаришда, энг аввало, инсон қадрини устувор бўлиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Ф А Р М О Н И
У.М. МУСТАФОЕВНИ
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА
ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ Улуғбек Мавлонович Мустафоев Жиззах вилояти ҳоқими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 2 декабрь

Конституция — инсон қадрини, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ОДИЛ СУДЛОВ

ЁХУД ҲУҚУҚИЙ-ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ, АДОЛАТПАРВАР ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА

Шу кунларда халқимиз муҳим тарихий сана — Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилинганнинг ўттиз уч йиллигини “Конституция — инсон қадрини, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!” деган ҳаётий шиор остида кенг нишонламоқда.

Мамлакатимизда 2023 йил 30 апрель куни бўлиб ўтган референдумда халқимиз янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилди. Умумхалқ референдуми кўп миллатли буюк халқимизнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлиги, суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат барпо этишга қатъий қарорининг дадил ифодаси бўлди. Шубҳа йўқки, моҳият-мазмунига кўра ҳар томонлама пишиқ-пухта ўйланган ва умумэтироф этилган, халқаро демократик стандартлар талабларига мос Бош қонунимизнинг янгиланиши нафақат жамиятимиз ҳаётидаги ноёб сиёсий ҳужжат, ижтимоий-ҳуқуқий воқеа, балки улкан оламшумул ҳодиса бўлди.

Давоми 3-бетда

Мамлакатимиз Конституцияси ҳуқуқ ва манфаатларимизни ҳимоя қилиши, демократик тамойилларни таъминловчи асосий манба эканини яхши биламиз. Аммо Конституция билан белгиланган айнан қандай ҳуқуқларимиз борлигини ҳар доим ҳам айта олмаيمиз. Табиийки, ҳуқуқларимизни билмаслик уларнинг бузилишига эътиборсизлигимизни келтириб чиқаради.



Улуғбек РАҲИМОВ,
“Kids Plate Distribution”
МЧЖ раҳбари

Тадбиркор сифатида айнаи шу жиҳатларга ўзим дуч келганман. Очигини айтганда, авваллари қонун билан белгиланган ҳуқуқларимизни билмас ҳам амалда уларнинг иш-ламаслиги ҳафсаламизни пир қилган вақтлар бўлган. Бугун эса акси — янги таҳрирдаги Конституция моддаларини ёддан айтолмас-сак-да, уларнинг амалдаги кафолатларини ўз ҳаётимиз, фаолиятимизда ҳис этияпмиз.

Тадбиркор, қолаверса, Тадбиркорликни ривожлантириш кенгаши аъзоси сифатида бугун ишбилармонлар ҳуқуқ ва манфаатлари қонун доирасида мустаҳкамланибгина қолмай, фаолиятимизда фаол акс этаётганидан қувонаман. Янги таҳрирдаги Конституцияда “Давлат тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди”, “Тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли”, дейилади.

Балки кейинги йилларда иш бошлаган ёш ишбилармонлар билмас, аммо узоқ йиллардан буён бизнес соҳасида фаолият юритаётган инсонлар мазкур кафолатлар амалиётда

БОШ ҚОМУСИМИЗ — ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИМИЗ ҲИМОЯЧИСИ



исталган турдаги текширув сабаб ишлаб турган тадбиркорнинг фаолияти тўxtатиб қўйилган ҳолатлар ўзининг бошимдан ҳам ўтган. Ачинарлиси, текширувлар номаълум сабабларга кўра, ойлаб давом этиши ортидан моддий зарар кўрган, фаолиятини қайта тиклолмай қолган тадбиркорлар қанча. Бугун эса ҳар қандай текширув вақтида, ҳисоб-рақами хатланган ҳолатда ҳам ишбилармон ўз

фаолиятини давом эттиришга ҳақли, маош, коммунал ва бошқа бирламчи тўловларни амалга ошириши мумкин.

Ҳуқуқий кафолат борасидаги катта ўзгаришлар давлатимиз раҳбарининг ҳар йили тадбиркорлар билан ўтказилиши аънаанага айланган очик мулоқоти давомида билдирилган тақлифлар самараси ҳам, десак муболаға бўлмайди. Масалан, тадбиркорларнинг

хусусий мулкни ноқонуний тортиб олишга йўл қўймаслик кафолати. Тўғри, хусусий мулк дахлсизлиги аввалдан бўлган, аммо амалда деярли ишламаган ёки кимларнингдир манфаатига ишлаган, ҳолос. Ҳозир ҳокимлик бўладими, бошқа давлат ташкилоти бўладими, тадбиркорнинг ер участкаси, биноси ёки ускунасини асоссиз тортиб олишга, иш фаолиятини тўxtатиб қўйишга ҳақли эмас. Бордию шундай ҳолатлар юзга келган тақдирда, қўрилган зарарни қоплаб бериш механизми жорий этилган.

Бизнес эгалари жуда кўп эътироф этадиган ва тадбиркорнинг ҳақиқий маънода эркин ишлашини таъминлаётган яна бир жиҳат — текширувларнинг тури қисқаргани ҳамда сифат жиҳатидан ўзгаришлардир. Авваллари ўтказилган текширувларнинг кўпи сабаб ва мақсадсиз бўлгани, режа асосида ҳар 3-4 йилда такрорий, факатгина тадбиркорни ор-тиқча қийнашга қаратилганини кўпчилик яхши эслайди. Бугун ҳеч бир ташкилот ўзидан ўзи, тадбиркорни шунчаки текширмай-ти. Айрим талаблар юзга келгандагина текширув белгиланади. Агар тадбиркор тўғри ишлаб, солиқларни ўз вақтида тўлаб, қонундан ташқари ҳаракат қилмаса, ҳеч ким унинг фаолиятига аралашмайди. Бу борада назорат органларининг хавфни баҳолаш тизими самарадорлиги, ўз навбатида, бошқа тадбиркорларни ҳам тўғри ишлашга рағбатлантираётган жуда кучли механизм, деб биламан.

Бизни доим қийнаб келган яна бир масала лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларнинг ниҳоятда кўпчилиги ҳамда мураккаблиги эди. Ҳозир шуларнинг сони камайиб, расмийлаштириш жараёналари анча соддалаштирилди. Ҳозир тадбиркор шу ҳужжатлардан бирини олиш учун қай-сидир ташкилотга бориб, жавобини ойлаб қуттишга ҳожат йўқ. Электрон ариза топширилади ва бу автоматик кўриб чиқилиб, жавоби қонунчиликда белгиланган муддатларда берилади. Бу жиҳат билан ҳақиқатан мақтансак арийдим.

Бугун тадбиркорнинг ҳуқуқий манфаатлари кафолатланиши фақатгина унинг ишига тўсқинлик йўқолганида эмас, балки қулай ишбилармонлик муҳити яратилганида ҳам намоён бўляпти. Чунки давлат

тадбиркорнинг ривожланиши, иш фаолияти давом этиши, бунинг ортидан юрт иқтисодиёти ўсиб боришидан манфаатдор. Шу жиҳатдан бизнес эгаси фаолиятида хатоликка йўл қўйса, айби исботланганда ҳам иқтисодий зарарни қоплаш имконияти берилиб, жиноят иши очмаслик қоидага айлантирилгани ҳам бунинг исботи. Чунки инсонизм, хато қилишимиз табиий. Тадбиркор доим ҳам юз фойз салоҳиятга эга бўлмайди, баъзида фаолиятида камчиликларга йўл қўяди. Бундай вақтда хатони тузатишга имкон бериш уни янада рағбатлантиради.

Умуман, ишбилармон одамга давлатнинг дўсти сифатида қаралиб, катта ишонч билдириляпти. Ана шу ишончни оқлаш фақатгина қонуний ҳуқуқларимиздан тўғри фойдаланиш эмас, балки тўғри ишлаб, фуқаро сифатидаги бурчларимизни ҳам масъулиятли адо этишимизга ундайди.

Масалан, бозорда эркин рақобат муҳити яратилгани барча тадбиркорлар учун кенг йўл очди. Аммо бу истемолчилар ҳуқуқларига дахл қилмаслиги керак. Бозор эркин бўлгани сари контрафакт, яъни лицензияланмаган, сифат сертификати мавжуд бўлмаган маҳсулотлар кириб келиши сезиларли камай-маяпти. Улар сифат назоратини четлаб ўтмоқда, текширувлар йўқлиги эса назоратни бошқариш сустилигига олиб келяпти. Шу боис, маҳсулотлар, хусусан, импорт озиқ-овқатлар сифати текширувларини тизимли равишда олиб бориш зарур. Текширув дегани фақат тадбиркорлар фаолиятига дахл қилиш эмас, балки манзилли дастур ҳамда чегараланган миқёсдаги ҳаракатни аниглади, бу бевоcита истемолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ жараён.

Иккинчи томондан, бозордаги эркинлик базан реклама талаблари бузилишига ҳам олиб келмоқда. Масалан, биз ўзимиз болалар озиқ-овқатларини сотамиз, аммо ҳеч қачон она сутти ўрнини босувчи бўтқаларни реклама қилмаймиз. Чунки бу қонуан тақиқланган. Лекин баъзи тадбиркорлар бунга эътибор бермайди, болани она сутти билан катта қилишни рағбатлантириш ўрнига, тинмасдан бўтқаларни реклама қилади. Ҳатто рекламада “она сутти ўрнини тўлиқ босадиган” каби ибораларни қўллаш, айниқса, нотўғри деб биламан. Сабаби, ёшларда бу масалалар ёндашув ўзгариб борапти. Халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, ҳозирги кунда 25 фойзгина аёллар болани 5 ойга қадар она сутти билан озиқлантириляпти. Бошқалар тайёр бўтқаларга ўтиб кетаяпти. Тадбиркор бундан фойда кўради, аммо фақат иқтисодий манфаатни ўйлаш ҳам нотўғри. Чунки бу ерда она суттидаги фойдали микроэлементлар ёш организмга зарурлигидан ташқари, иммунитет, боланинг психологик саломатлиги каби муҳимроқ омиллар ҳам бор. Она сутти ўрнини ҳеч бир бўтқа боса олмайд, бунинг истемолчиларга етказиш, назаримда, тадбиркорнинг ижтимоий масъулияти намунасидир.

Ҳозир тадбиркор бўлиш нафақат шараф, балки катта масъулият ҳамдир. Давлат яратган қулай шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш, имтиёзли кредитлар, кафилик механизмлари, лизинг дастурлари ва кўргазмалар орқали янги бозорларга чиқиш имкониятлари биздан ҳолат меҳнат, қонуний фаолият ва жамият олдидagi ижтимоий масъулиятни талаб қилади. Солиқ тўлаймиз, қонунларга риоя этамиз, аҳоли саломатлиги ва фаровонлиги учун фойдала маҳсулотлар яратиб, жамият манфаати йўлида хизмат қиламиз. Бу — бизнинг танловимиз, касбий ва инсон сифатидаги ўзгичилигини белгилайдиган ҳаёт йўлидаги вазифамиз. Шу йўлда Конституциямиз биз учун энг ишончли таянчдир.

Меҳнат муносабатлари



Дилфуза АБДУЛЛАЕВА,
юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори, доцент

Бугунги глобллашув ва рақобат кучайган даврда иш жойида тенгликни таъминлаш нафақат ижтимоий адолат талаби, балки мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги ва тараққиётининг муҳим омилга айланмоқда. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) дискриминацияни бартараф этиш, барча ходимларга тенг имконият яратиш бўйича халқаро стандартлар ишлаб чиққан. Хусусан, иш жойида камситишга йўл қўймаслик, барча ходимларга тенг имконият яратиш, адолатсиз ажратиш ҳолатларига чек қўйиш халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидан.

Меҳнат муносабатларидаги тенглик инсоннинг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлиб, у адолат, ижтимоий барқарорлик ва самарали меҳнат бозорини таъминлашнинг муҳим омилли ҳисобланади.

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МОС ТЕНГЛИК

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда меҳнат соҳасида кенг қамровли ислохотлар олиб борилиб, инсон қадри ва унинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича муҳим ҳуқуқий база шакллантирилмоқда.

Хусусан, Конституцияда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги мустаҳкамланган. Шунингдек, ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талаб-ларига жавоб берадиган қулай меҳнат шaroитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашининг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган таъ-дид адолатли ҳақ олиш, ишсизлик-дан қонунда белгиланган тартибда ҳи-мояланиш ҳуқуқига эга экани белгилан қўйилган.

Бундан ташқари, Меҳнат кодексига меҳнат ҳуқуқларининг тенглиги, меҳнат ва машгулотида соҳасида камситишни тақиқлаш принципи белгиланган. “Аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”-ги қонунлар ҳам меҳнат соҳасида камситишга йўл қўймаслигини кафо-латлайди.

ХМТ меҳнат соҳасида камситишни бартараф этишни инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида белгилайди. Бу борада иккита асосий халқаро ҳуж-жат — Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги ҳамда Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги конвенциялар катта аҳамиятга эга. Уларга кўра, irqи, жин-си, эътиқоди, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, сиёсий қарашлари ёки бошқа белгиларга кўра камситиш тақиқлана-ди. Давлатдан ишга қабул қилиш, ҳақ



тўлаш, лавозим бўйича кўтарилиш ва меҳнат шaroитларида тенгликни таъ-минлаш талаб этилади. Шунингдек, эр-как ва аёлларга тенг кадр-қимматга эга меҳнат учун бир хил ҳақ тўланишини кафолатланади.

Бу халқаро ҳужжатлар давлатлар ол-дига қуйидаги вазифаларни қўяди: кам-ситишга қарши ҳуқуқий базани муста-таҳкамлаш, назорат механизмларини шакллантириш ва амалий чора-тадбир-лар орқали барқарор тенглик сиёсати юритиш. Бугунги кунда халқаро ҳи-мо-янинг замонавий тенденциялари ишга қабул қилишда тенг имконият, аёллар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун алоҳида қўллаб-қувватлаш дастурлари, “Workplace harassment” — иш жойида таъқиб ва зўравонликка қарши қатъий сиёсатдир.

Шу билан бирга, амалда қатор муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Айрим соҳаларда аёллар меҳнатига яширин чекловлар, ишга қабул қи-лишда “тажриба” баҳонасида тенгсиз муносабат, ногиронлиги бўлган киши учун инфратўлима етарли эмаслиги, “Workplace harassment” ҳолатларини расмийлаштириш ва исботлаш шулар сирасига киради.

Янги таҳрирдаги Конституцияда “Давлат тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди”, “Тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли”, дейилади.

Долзарб мавзу



Юртимизда давлат бошқарувида ошкораликни таъминлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган ишлар кўлами тобора тизимли бўлиб борапти. Ушбу ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида корхоналар ва ташкилотларда замонавий комплаенс назорат тизимини жорий этиш ва тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жа-мияти ижро аппаратида Комплаенс назорат ва корруп-цияга қарши курашиш бўлими ташкил этилган.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2025 йил 21 апрелдаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинулари муста-қиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорли-гини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида жамиятнинг 9 та филиали штатларига комп-лаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш йўна-лишида бош мутахассис лавозимлари киритилди.

Жорий йилда коррупцияга қарши курашни тако-миллаштириш ҳамда шаффофлигини кучайтириш мақ-садида “Ўзбекгидроэнерго” АЖда 21 банддан иборат чора-тадбирлар дастури қабул қилинди. Ҳар бир вази-фанинг ижроси босқичма-босқич таъминланиб, назо-рат ишлари кучайтирилди.

Корхонада қабул қилинаётган барча буйруқ ва ҳуж-жатлар қонунийлиги, шаффофлиги ҳамда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик тамойиллари асосида экс-пертизадан ўтказилиши таъминланмоқда.

Ноябрь ойида ўтказилган кузатув аудити натижа-сига кўра, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ фаолияти ISO 37001:2016 — “Коррупцияга қарши курашиш менеж-мент тизими” халқаро стандарти талабларига тўлиқ мувофиқ экани яна бир бор тасдиқланди. Халқаро сер-тификатловчи ташкилот томонидан ўтказилган текши-рув жамиятдаги комплаенс назорат тизими барқарор ҳамда самарали йўлга қўйилганини кўрсатди.

Ишда шаффофлик, ҳалоллик бўлишида ходимлар малакаси ва тажрибаси ҳам катта аҳамият касб этади.

Шу боис, жорий йилда жамиятнинг 81 рабар ходи-ми Адлия вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилган ўқув курсларида ўқиди. Уларнинг 20 нафари махсус сертификатга эга бўлди.

Шу билан бирга, комплаенс назорат йўналишида ишловчи ходимлар Европа Иттифоди, Германия хал-қаро ҳамкорлик жамияти ва Латвия Марказий молия агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ўқув семинарларда фаол иштирок этди. Булар мутахассис-ларнинг профессионал салоҳиятини мустаҳкамлашга, коррупцияга нисбатан муросасиз курашишга қаратил-ган ҳуқуқий онгини ўстиришга хизмат қилади, албатта. Жамиятда очиклик ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтда “Очик маълумотлар” бўлими мунтазам янгиланиб, корхона фаолиятига оид муҳим ҳужжатлар ва маълумотлар жамоатчилик учун очик тарзда тақдим қилинмоқда.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖда коррупциянинг олди-ни олиш, ҳалоллик муҳитини яратиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича қўрилатган чо-ра-тадбирлар давлат сиёсатида белгиланган устувор йўналишлар билан ўйин равишда давом этмоқда. Жа-миятда шаффофлигини таъминлаш, халқаро стандарт-ларга мос тизимни шакллантириш ва жамоатчилик бил-лан очик мулоқотни кучайтириш келгусида ҳам изчил равишда давом эттирилади.

Ҳулқар ЖўРАЕВА,
“Ўзбекгидроэнерго” АЖ ахборот хизмати
бош мутахассиси

Янги Ўзбекистонда аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш ва муносиб турмуш шароити яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан. Шу асосда ижтимоий ҳимоя тизими тубдан янгиланиб, бу борадаги ишлар аниқ мақсадли ва манзилли дастурлар асосида амалга оширилмоқда. Жумладан, Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ишга туширилгани миллионлаб фуқаролар маълумотларининг рақамли платформада жамланишида қўл келди.



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



Инсон қадри



Норой СОАТОВА,
Ижтимоий ҳимоя миллий
агентлиги бош мутахассиси

Давлат томонидан кўрсатилаётган ижтимоий ёрдам ва хизматлар самарадорлиги ортиб, ортиқча қўғоғозчиликлар бартараф этилди. Коррупцион ҳолатларнинг олди олинди. Тизим орқали фуқароларнинг эҳтиёжини реал вақт режимида аниқлаш ҳамда ижтимоий ёрдамнинг адолатли тақсими таъминланди. Натижада нафақалар, болалар учун тўловлар, уй-жой субсидиялари ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган ёрдам миқдори сезиларли даражада ошди.

Жорий йилнинг 9 ойида кам таъминланган 690 мингдан ортиқ оилага болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўлаб берилгани ва айни пайтга келиб, республикамиздаги оилаларнинг 6,3 фоизи ушбу реестрда рўйхатда туриши фикримиз тасдиғидир.

Мазкур ишлар натижасида ижтимоий ҳимоя тизимида фуқароларнинг меҳнат бозорига қайта интеграция қилинишига катта эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда касбга ўқитиш, янги иш ўринлари очиб ва фаол ижтимоий сиёсат орқали аҳолини иш билан таъминлаш чоралари қўриляпти.

Президентимизнинг жорий йил 8 майдаги “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан тадбиркорлик субъектлари ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тасарруфидоги ташкилотлар томонидан 5 та янги хизмат йўлга қўйилди. Хусусан, “Фаол ҳаётга қадм” дастури доирасида Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар уй шароитида ҳамда кундузги қатнов асосида қараб туриш хизматларига қамраб олинган. Жорий йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, 5929 фуқарога қараб туриш хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди.

Бандлик — ижтимоийлашувнинг асосий омил. Шундай экан, меҳнат нафақат даромад манбаи, балки шахсининг жамиятдаги ўрнини белгилайдиган муҳим ижтимоий восита ҳамдир. Иш билан таъминланиши эҳтиёжманд оилаларнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаб, ижтимоий фаоллигини яхшилайди, фарзандлар онгига меҳнатнинг қадр-қимматини оширади.

Ҳозирги глобал тараққиёт жараёнида “инклюзивлик” тушунчаси тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. У жамиятнинг барча қатламини

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАСлигини АНГЛАТУВЧИ САМАРАЛИ ТИЗИМ

тенг ҳуқуқли, меҳнат ва даромад манбаига эга қилишни назарда тутати. Инклюзив бандлик сиёсати, аввало, ногиронлиги бўлган шахслар, аёллар, ёшлар ва эҳтиёжманд оилаларни меҳнат жараёнига жалб этишга қаратилган. Тўсиқлар жисмоний эмас, балки жамиятнинг муносабати ва ёндашувида намоён бўлади. Инклюзив жамият барпо этиш, кўриш имконияти чекланган инсонлар ҳаёти учун баробар шароит яратиш — барча учун умумий вазифадир.

Масалан, кўриш имконияти чекланган фуқаролар учун тўсиқсиз муҳит яратиш, таълим, тиббий ва ижтимоий реабилитация билан таъминлаш ишлари изчиллик касб этган. Мазкур тоифадаги фуқаролар учун инфратузилмани мослаштириш, уларнинг ҳаётда тўлақонли иш-тироқини таъминлаш мақсадида 300 дан ортиқ ижтимоий, аҳолига хизмат кўрсатиш ва тижорат объектиларида тўсиқсиз муҳит яратилди. Республикамиз бўйича кўзи ожиз ва заиф кўрувчи 3100 дан ортиқ ўқувчининг 17 та махсус мактабда таълим олиши таъминланди.

Аввалги тартиб бўйича беморлар ногиронлики белгилаш масаласида фақат туман марказий поликлиникалари врачлик-маслаҳат комиссияларига озгачи мурожаат қилган бўлса, энди туман (шаҳар) “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари, ижтимоий ходимлар,

my.gov.uz портали ва оилавий шифокорлар орқали мурожаат қилиши мумкин.

Ногиронлики белгиланган аввал барча учун бир хил даволаниш мuddати (4 ойдан 6 ойгача) бўйича талаб бекор қилиниб, касалликдан келиб чиқиб, индивидуал даволаниш мuddати ва минимал тиббий текширув мезонлари белгиланди. Қолаверса, сиртдан (хўриқ-ка қақиртирмай) ногиронлик белгиланган касалликлар ҳамда уларнинг асорати рўйхати 48 тадан 60 тага кенгайтирилди.

Танқидларда аҳолининг эҳтиёжманд қатламини аниқлаш, улар учун яшаш жойида иш ўрни яратиш, касб-хунарга ўқитиш орқали ижтимоийлашувга йўналтириш муҳим аҳамиятга эга.

Умуман олганда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд оилалар бандлигини таъминлаш нафақат иқтисодий барқарорликини мустаҳкамлаш, балки жамиятда ижтимоий адолат ва ҳамжиҳатлиқни таъминлашнинг муҳим йўли. Инсон қадри ва адолат сари қатъий қадам ташлар эканмиз, бу борада давлат органлари, маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари ва ҳусусий секторнинг ҳамкорлиги ижобий натижа беради.



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚЛАПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

Инклюзив меҳнат
сиёсати фақат
давлат органлари
эмас, балки
маҳалла тизими
ва нодавлат
ташкилотлар
иштирокини
ҳам талаб этади.
Маҳаллаларда аҳолининг эҳтиёжманд
қатламлари аниқланиб, улар учун
яшаш жойида иш ўрни яратиш,
касб-хунарга ўқитиш орқали
ижтимоийлашувга йўналтириш
муҳим аҳамиятга эга.



3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни

Феруза туғилганида соғлом, бинойидек қизалоқ эди. Ота-онаси уни асраб-авайлашга урунган, бир олам орзулар оғушида тарбия қиларди.

Қизи улғайса, нуфузли олийгоҳларда таълим олиши ҳақида ўйларди. Бу олам-олам ниятлар уларга ўзгача завқ берарди. Аммо ҳаёт синовларини олдиндан билиб бўлмас экан...

Уларнинг хонадони поезд йўлига яқин эди. Кунларнинг бирида уйда ёлғиз қолган қизалоқ поезд йўлига чиқиб қолди. Бола темир йўл изларида ўтирганча, ўйинга берилади. Бир пайт баҳайбат поезд чинқирганча келиб қолади. Бошқарувчи шунча огоҳлантириш берса-да, болани кўтарганча четга олиб чиқадиган бирор киши топилмайди.



САБР ва ИРОДА билан БАХТини ЯРАТГАН АЁЛ

Феруза бир зумда етиб келган вагонлар тагида қолиб кетади. Фалокат оёқ остида, дея бежиз айтилмаган. Наро бора ўн беш дақиқа ичида шу ҳолат рўй беради. Қувнонарлиси, вагонлар ўтиб кетганида у тирик қолади. Аммо бир қўлининг билагидан, бир қўлининг икки бармоғидан айрилади. Бундан хабар топган ота-она хушини йўқотди...

Катта жарроҳлик амалиёти ўтказилиб, қизнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Энди 2-гuruh ногирони бўлиб қолган қизини улғайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур эди. Ота-онаси унинг инжиқликларига кўнглик, имкон борича кўнглини ўқситмасликка ҳаракат қиларди. Унга керакли шароитни яра-

тушқунликка тушиб юриш нодонлик. Бирор марта тақдиримдан ногираним йўқ. Бу ҳаётда ҳаракат қилган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Бор-йўғи учта бармоқ билан бўлса-да, бугун рўзгорга нафим тегаётганидан мамнунман. Агар уйда ногиронман, дея ўтираверсам ҳам кун ўтади. Аммо бу одамлиқка тўғри келмайди. Бунга қабул қилолмайман. Негадир изланишда тўхтаб қолгим келмайди. Шукрки, биз каби имконияти чекланганлар учун қатор имтиёзлар берилган. Бундан ташқари, ногиронлиги бор шахсларни ишга қабул қилган тадбиркорлар учун ҳам солиқда енгилликлар бор. Бугун мен Қарши шаҳридаги Ерқўрғон бозорида ораста бўлиб ишлайман.

вилоятта яхши танилган. Мисол учун, яқинда якунига етган пахта терими мавсумида қаҳрамонимиз бир кунда 100-120 килограмм пахта терганига гувоҳ бўлганлар ҳайратдан ёқа ушлади. Ижтимоий тармоқлар орқали ҳам унинг бу маҳорати қўллаб-қўлқўшларга сазовор бўлди. Икки қўл билан аранг 30-40 килограммдан нарига ўта олмайдиганлар аттиги учта бармоқ билан бир центнердан кўп пахта тараётган опани кўриб, уятдан юзи қизаргани бор гап.

— Ёшлигимда пахта теришини яхши кўрадим, — дейди Ф.Бўриева. — Терим пайтида ишдан бўш вақтларим, дам олиш кунлари этак тақиб, далага йўл оламан. Эрта тонгдан кеча қадар юз килодан зиёд пахта терганимни кўрганлар тоҳида ишонмайди. Баъзида кимлардир гумонга бориб ортимдан кузатиб юрган дамлар ҳам бўлган. Ҳақиқат меҳнатда эканини англаб, жим қолишган. Ҳалол меҳнатга нима етсин? Бир кунда терим ортидан 200 минг сўмдан ортиқ пул ишлаб топиб, рўзгорга нафим тегса ёмонми?! Шундай юртда яшаётганимдан мамнунман. Бирор марта эътибордан четда қолганим йўқ. Масъуллар доим аҳолимиздан хабардор бўлиб турибди. Яқинда бир миллион сўм моддий ёрдам беришди. Қиш фасли олдиндан бу бизга катта кўмак бўлди. Китоб ўқиган кишиларни жуда яхши кўраман. Шу сабаб ҳар сафар маош олсам, албатта, битта бўлса-да, бадий китоб сотиб оламан. Фарзандларим ўқиб, билимли бўлисин, дейман.

Феруза опа каби сабрга суяниб ҳаёт кечириётган жасоратли одамларни бошқаларга қанча ўрнат қилиб кўрсатсак кам. Аслида, унинг ҳар бир ҳаракати қаҳрамонлик. Бу гапим бир оз эриш туйилиши мумкин. Теран нигоҳ билан қаралганда, имконияти чекланган бўла туриб, бир оилани моддий таъминлаб, турмушини фаровон қилаётган аёл, албатта, қаҳрамондир!

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“ФЕРУЗА ОПА МЕҲНАТКАШИЛИГИ билан аллақачон нафақат маҳалласида, балки бутун вилоятга яхши танилган. Мисол учун, ЯҚИНДА ЯКУНИГА ЕТГАН ПАХТА ТЕРИМИ МАВСУМИДА ҚАҲРАМОНИМИЗ БИР КУНДА 100-120 КИЛОГРАММ ПАХТА ТЕРГАНИГА ГУВОҲ бўлганлар ҳайратдан ёқа ушлади. ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ОРҚАЛИ ҲАМ УНИНГ БУ МАҲОРАТИ КўПЛАБ ОЛҚИШЛАРГА САЗОВОР бўлди.

тиб беришганди. Вақт ўтиб мактабга қатнай бошлади. Тиришқоқлиги боис, ўқини тез ўзлаштириб олди. Зехни ўткирлиги сабаб бошқа тендошларига нисбатан анча иқтидорли эди. Кучли хотираси билан устозларни доим қўйиб қолдирарди.

Мактабни тутатган, оила қурди. Турмуш ўртоғи билан Қарши туманидаги Пахтазор маҳалласининг энг бахтли оилалари қаторида тилга олинмаган бўлди. Бугун улар тўрт фарзандни дунёга келтириб, вояга етказмоқда.

— Бахтсиз тасодиф туфайли ногирон бўлиб қолганман, — дейди Феруза Бўриева. — Лекин шундай эканман, дея

Бошида кўпчилик бу ишни бажариб кетишимизга шубҳа билан қараганди. Ҳозир энг чаққон ўзим эканимни тан олишарди. Биласизми, шу пайтгача бирор марта ҳеч бир идора эшигини таққилитиб, ёрдам сўраб бормадим. Барчасига меҳнатим орқали эришяпман. Фарзандларимизни бировдан кам қилмадим. Рўзгоримиз бутун. Ҳоҳида соғлом, тоғни урса талқон қилгудек кучга эга кишилар ёрдам сўраб юрганини кўриб ачинаман. Катта томорқаси бўлса-да, меҳнат қилишга эринадиган дангасалардан бир оз жаҳлим чиқади.

Феруза опа меҳнаткашлиги билан аллақачон нафақат маҳалласида, балки бутун

Матонат



2025 йилнинг 18 ноябри фарғоналик Шаҳина Йигиталиева ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолди. Шу кун пойтахтимизнинг Анжуманлар саройидаги улкан мониторда инсон ҳаётига доир таъсирли ҳикоялар жонланди. Улар орасидан ёш параатлет, фарғоналик 16 ёшли Шаҳинанинг ҳаёт ҳикояси ҳам ўрин олгани диққатга сазовор. “Инсон фахри” миллий мукофоти учун 11 йўналиш бўйича йил қаҳрамонларини танлаб олишда ташкилотчилар томонидан юзлаб таъсирли ҳикоялар ўрганиб чиқилди.

Ёш параатлет ҳикоясининг аввалида эканда 16 йил аввал тўртинчи бор қиз фарзанди бўлганлар эмас, унинг бир қўли яримта эканидан чуқур қайғуга ботган отанинг нузли чехраси кўринди: “Шаҳина қизимиз 2008 йили дунёга келди. Уч орасининг ҳаммаси соғлом. У эса чап қўлида нуқсон билан туғилди. Бу нисадан экан, дея узоқ ўйланганман”. Кўзида сезилар-сезилмас ёш айланган ота сиймоси ўрнини хохисор ўзбек аёлининг маҳзун, айни пайтда шукроналиқдан гўлгун чехраси эгаллади: “Қизимни дунёга келтирганимда ҳамма оналар қатори хурсанд бўлганман, бироқ “Нима учун? Қандай қиз бўлarkan?” деган саволлар гирдобиди қолганман”.

— Биринчи марта 14 ёшида Хитойда катталар ўртасидаги Параолимпияда катнашган. Биз, оддий одамлар, спортни унча тушунавермасдик. Ўшанда рекордини янгиланган ва олтин медаль олганди. Президентимиз фарзандимизни бағрига босиб, алоҳида табриклаганида, бу мусобақанинг мавқеи баланд, нуфузли эканини билганмиз. Олтин медаль олганини эшитганимизда эса онаси иккаламиз богда ўтиргандик, йиллаганмиз, — деди Шокир ака Турдалиев.

Унинг ярами чала айтилган “Йилгаганимиз” сўзи томошабинини ҳам йилгади.

— Болагимда дунёда битта менинг қўлим шундай бўлса керак деб ўйлардим, — деган самимий сўзлар ортидан истаралиқ-кина, кўзлари қулиб турган Шаҳина пайдо

бўлди. — Чунки мен ўзимга ўхшаган одамни кўрмаганман. Богчада икки киши бўлиб рақсга тушилар, мен ҳам бир биланинг ше-риги бўлишим керак эди. Ҳақлиги бола богча оламизга “Шаҳина билан рақсга тушмай-ман, унинг қўли йўқ”, деди. Шартта чиқиб кетиб қолганман.

Бу каби ҳолатлар бола руҳиятига салбий таъсир қилади, албатта. Мактабда ўқий бошлаганида ҳам Шаҳина спортга қизиқ-мас, жисмоний тарбия дарсларида шунчаки ўйнаб юришни яхши кўради. 2019 йилда яқинларидан бирининг тавсияси билан дадаси уни Данғарадаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабига олиб борди.

— 2021 йилдан буён катта мусобақаларда қатнашиб келаётган бўлсам, ўтган йили Франциядаги биринчи Олимпиадада жуда ҳаяжонландим. Катта майдон, минглаб томошабинлар, кўлаб қўлаб-қувватловчилар. Гарчи олтин медаль ололмаган бўлсам-да, кейинги Олимпиада учун олдимга улкан мақсадларни қўйганман. Паралимпиядаги рекорд мен кутган ғалаба эмас. Энг катта орзуим — соғлом спортчилар билан беллашиб, улар орасида ҳам рекорд натижани қайд этиш, — деди ёш спортчи.

Гулдуроч қарсаклар чалинди, олқишлар, эътирофлар бўлди. 15 ёшида жаҳон ареналари тоқиди байроғимиз мағрур хилпирашига сабабчи бўлган Шаҳина ўз иродаси билан бошқаларга намуна бўлиб келаётган энг ёш юртдошимизга айланди.

“Бундай жиддий даврада, катта-катта ишларни амалга оширган инсонлар қатарига туришим, тўғриси, хаёлимга ҳам келмаган ва менинг ёшимда бу табиий бўлса керак. Биринчи марта ўтказилаётган ва жуда ҳаяжонли бу тадбирда мамлакатимизнинг кўзга қўринган шахслари, юқори лавозим эгаларини кўрдим. Энг ҳаяжонлиси, ота-онам ҳам енимда эди. Шу тобда бениҳоя бахтиёр инсонга айландим. Бир пайтлар фақат менинг қўлим шундай бўлса керак деган бола тушунчам ўрнини “Наҳотки, айнан менинг ютуқларим эътирофга лойиқ бўлса”, деган ҳайрат эгаллади. Бунинг учун, аввало биз, параспортчиларни мана шундай эътибор ва эътирофга муносиб кўриб, барча шароитларни яратиб бераётган Президентимиздан миннатдорчилигимнинг чеки йўқ.

Айни пайтда устозларим билан 2028 йил Лос-Анжелес шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтадиган XVIII Паралимпия ўйинларига тайёрланишимиз. Ғалаба ва яна ғалаба учун барча шароит етарли. Эндиликда параспортчилар, айниқса, ногиронлиги бўлган қизларга имкониятига қараб бошқа спортчилар билан бирга шугулланишига шароит яратиб берилиши бизни янада руҳлантиради”, дейди Шаҳина.

Ҳа, бугун мамлакатимизда параспортчиларга, айниқса, қизларга эътибор ҳар қанча ошганда кучли. Сўнгги уч йилда параспорт билан мунтазам шугулланувчилар 4 қарра қўлайиб, 7 мингдан ошгани, аёл параспортчилар улуши эса қарийб 30 фоизга етгани бунинг амадағи кўриниши.

— Президентимиз шу йил 8 июль куни имзолаган “2028 йил Лос-Анжелес шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтадиган XXXIV ёзги Олимпия ва XVIII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги тарихий қарори билан Шаҳина каби спортчи ёшлар учун қўллаб-қувватлаш механизми пайдо бўлди, — дейди мураббий Азизжон Норматов. — Бунинг самараси ўлароқ, шоғирдиннинг миллий мукофот даражасида тақдирланганидан бошим осмонга етди. Дадаси билан илк бор стадионимизга кириб келганини эсладим. Ўшанда унинг халқаро даражадаги спортчи бўлиб етишишини билганман. Унга астойдил ҳаракат қилсанг, бутун дунёга танилишинг мумкин деб кўп бор айтганман. Олдимизда битта катта мақсад турибди — 2028 йилги Паралимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритиш. Бунинг учун барча шароит бор, имкониятимиз етарли.

Қаҳрамонимизнинг онаси айтганидек, у ҳам оддийгина. Ўзини эҳтиёт қилиб яшаб юриши мумкин эди. Ваҳоланки, Дилноза ая бу фарзандини кўп авайлаган, керак бўлса спортни ҳам таққиломоқчи бўлган. Бироқ Шаҳина соғлом одамлар қилидиган ишларга қодирлиги, хусусан, спортда ҳам имконияти эмаслигини исботлаш йўлида қатъий борапти.

Зеро, параспортчилар чинакам матонат тимсоллари, метин иродалилик бобида инсонларга ибратдир. Аслида, уларнинг шунчаки спорт билан шугулланиши ҳам катта натижа. Бироқ улар орасида жаҳон арена-ларида рекордга эришаётганлар анча-мунча экани инсон зоти неларга қодирлигини амалда кўрсатиб турибди.

Муножа МўМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мулоҳаза

КЕЛАЖАК САРМОЯСИ

ЎКИ ИСРОФ ВА ДАБДАБАНИНГ ЯШИРИН ИҚТИСОДИЙ КИШАНЛАРИ



Абдуғаффор ЖўРАЕВ,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Инсоният тарихи ва жаҳон иқтисодиёти тараққиётини таҳлил қилар эканмиз, миллатларнинг юксалиши нафақат табиий ресурслар ёки географик жойлашувга, балки кўпроқ жамиятда шаклланган иқтисодий маданиятнинг ҳамда молияни самарали бошқариш кўникмасига боғлиқлиги аён бўлади. Бугунги кунда янги Ренессанс пойдеворини бунёд этишдек улкан ва шарафли мақсадни қўйган бир паллада кенг жамоатчилик эътиборини миллий ривожланишимизга кўзга кўринмас, аммо ниҳоятда оғир юк бўлиб осилиб турган ўтқир муаммога қаратишимиз аини муддао.

Мазкур муаммо жамиятимизнинг барча қатламларига чуқур илдири отиб улгурган, иқтисодий қон томиларимизни тўсиб, тараққиёт суръатини сусайтираётган дабдабозлик ва исрофгарчилик иллатидир. Кўпчилик бунга шунчаки ахлоқий ёки маънавий нуқтани назардан қарашга одатланган бўлса-да, масала моҳияти анча чуқур. Унинг иқтисодий зарарлари мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсишига, инвестицион муҳит жозибадорлигига ва аҳоли турмуш даражасига бевосита салбий таъсир кўрсатмоқда.

Келинг, ҳис-ҳаяжонни бир четга суриб, фақат рақамлар ва иқтисодий таҳлил тилида сўзлашайлик. Сўнгги йилларда ўтказилган таҳлиллар ва мавжуд статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда бир йил давомида ўтказиладиган тўй-ҳашамлар, турли



маросим ва тантаналар учун сарфланадиган маблағ миқдори тақрибан 2,5 миллиард долларни ташкил этмоқда. Бу шунчаки статистик кўрсаткич эмас, балки миллатимиз келажагига қиритилмади қолган улкан сармомадир. Иқтисодиётда “муқобил харажат” деган тушунча мавжуд бўлиб, ушбу қонда ресурсларни бир мақсадга йўналтириш оқибатида бой берилган бошқа имкониятларни баҳолашни тақозо этади. Ҳавога совурилатган ўша 2,5 миллиард доллар аслида, нима-ларга қодир эканини тасаввур қилиш учун оддий арифметикага мурожаат қилишнинг

юксалиш дари айнан қаттиқ тежамкорлик ва ресурсларни оқилона тақсимлаш сиёсати билан чамбарчас боғлиқ эканига гувоҳ бўламиз. Иккинчи жаҳон урушидан кейин вайронага айланган Япония халқи ўз олдига “қорин тўй-ғазий эмас, миллатни тиклаш” ғоясини қўйган ва ҳар бир иенани фақат таълим, технология ва ишлаб чиқаришга сарфлаган. Улар дабдабали тўйларни, ортиқча ҳашаматни миллат хоинлиги билан тенглаштириб, камтароналиқни ватанпарварликнинг энг олий белгиси сифатида қабул қилган. Жанубий Кореяда ҳам ўтган асрнинг 60-70 йилларида



ўтказилган “Янги қишлоқ” ҳаракати доирасида исрофгарчиликка қарши кескин курашилгани натижасида бугун дунё тан олган “Хан дарёсидаги мўъжиза” содир бўлди. Улар ҳашаматли уйлар қуриш ёки тўй қилишда эмас, балки фарзандларини дунёнинг энг нуфузли университетларида ўқитишда, жаҳон бозорини эгаллайдиган компаниялар тузишда ўзаро мусобақалашган. Бизда эса, афсуски, кўп ҳолларда бунинг тамоман тескарис: одамларимиз ўз макomini илмий ютуқлари ёки яратган инновациялари билан эмас, балки бир кунда юзлаб килограмм гўшт тарқатиши ёхуд юзлаб меҳмонларни қақариши билан белгилашга уринмоқда.

“**ЎШЛАРИМИЗ** онгида “муваффақият – ҲАШАМАТЛИ ТўЙ ва ҚИММАТ МАШИНА” деган сохта қадрият ўрнашиб қолмоқда. Улар машаққатли илм йўли, илмий изланиш ёки ҲАЛОЛ БИЗНЕС қуришни ЭМАС, балки ТЕЗРОҚ ПУЛ ТОПИБ, элга КўЗ-КўЗЛАШНИ МАҚСАД қилмоқда.

Ушбу муаммони фақат тўйлар мисолида кўриш тор доирадаги ёндашув ҳисобланади. Зеро, исрофгарчилик вируси жамиятимизнинг бошқа жабҳаларига, жумладан, турли маросимлар, юбилейлар ва тақдиротларга ҳам сирғалиб кирган. Катта-кичик тадбирларда кўзга ташланадиган ортиқча безаклар, қимматбаҳо совғалар, ҳашаматли зиёфатлар аслида, ҳеч қандай амалий натижа бермайди, аксинча, жамиятда табақаланишни кучайтириб, оддий халқнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлади. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилатган “давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” деган эзу ғоя, энг аввало, бюджет маблағларининг ҳар бир тишинини тежаб, уни фақат халқ фаровонлигига йўналтиришни аниқлатади. Тадбирлардаги камтароналик, ихчамлик ва мазмундорлик имкониятсизлик белгиси эмас, балки юксак маданият, интеллектуал салоҳият ва ўз халқи олдидаги масъулиятнинг ёрқин ифодасидир. Дунёнинг энг бой инсонлари, йирик корпорация раҳбарлари ҳам бугунги кунда ўта камтарона ҳаёт тарзини танламоқда. Чунки улар ҳақиқий бахт ва муваффақият ташқи ялтироқликда эмас, балки яратувчанлик ва жамиятга келтирилган фойдада эканини чуқур англаб етган.

Камтарлик инсонни бахтсиз ёки бировдан кам қилиб қўяди деган қараш мутлақо нотўғри ва зарарли стереотипдир. Аксинча, дабдаба кетидан қувши инсонни доимий руҳий босимда, қарз юкида ва “одамлар нима деркин” деган ҳавотирда яшашга мажбур қилади. Бугунги кунда минглаб ёш оилалар тўйдан

ўзлгимизни йўқотмаймиз, аксинча, сохта қадриятлардан ҳалос бўлиб, ҳақиқий инсоний қазилатларни, меҳнатсеварлик ва илм-маърифатни биринчи ўринга олиб чиқамиз. Исрофгарчиликнинг психологик ва ижтимоий илдишларига бориб тақаладиган бўлсак, кўп ҳолларда дабдабозлик ортида ўзини кўрсатиш, бошқалардан устун эканини исботлаш истаги ётади. Бу эса жамиятда соғлом рақобат эмас, балки ҳасад ва кўр-қўрона тақлим муҳитини шакллантиради. Иқтисодий нуқтани назардан ушбу ҳолат “намоийшқорона истеъмол” деб аталади ва жамият ресурсларининг самарасиз тақсимланишига олиб келади. Ривожланган жамиятларда инсоннинг обрўси унинг қандай машина миниши ёки қандай тўй қилиши билан эмас, балки қанча солиқ тўлаши, қанча иш ўрни яратгани ва хайрия ишлари билан ўлчанади. Биз ҳам миллий менталитетимиздаги ана шу “кўзбўямачилик” элементларидан бутунлай воз кечиб, прагматик ва оқилона фикрлаш тарзига ўтишимиз давр талабидир. Иқтисодий таҳлилларни чуқурлаштирадиган бўлсак, маблағ дабдаба учун эмас, банк депозитлари ёки фонд бозорига йўналтирилиши мамлакат банк тизими ликвидлигини оширади. Аҳоли қўлидаги 2,5 миллиард доллар ёстиқ остида ёки бир кунлик базмларда эмас, балки иқтисодиётнинг реал секторига айланса, кредит фойз ставкалари пасаяди, тадбиркорлик учун молиявий ресурслар арзонлашади. Ушбу занжир реакцияси пировард натижада яна оддий аҳолининг даромадлари ошишига олиб келади. Шундай

ёкан, ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила бошлиғи ўз бюджетини режалаштираётганда, нафақат оиласи, балки бутун мамлакат иқтисодиётининг кичик бир бўғини эканини ҳис қилиши лозим. Биз дабдабозликни қисқартириш орқали иқтисодиётимизга ташқаридан қарз олмастан туриб ҳам ички резервлар ҳисобига миллиардлаб долларлик инвестиция киритишимиз мумкинлигини англашимиз шарт.

Шу ўринда масала моҳиятини янада кенг-роқ, яъни макроиқтисодий барқарорлик ва инсон капитали ривожини нуқтаи назаридан таҳлил қилишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Юқорида келтирилган рақамлар шунчаки статистик маълумот эмас, балки жамиятимизнинг “иқтисодий иммунитет”и қанчалик заифлаётганини кўрсатувчи сигналлардир. Дабдабозликнинг кўзга ташланадиган, аммо давлат пойдеворини емирувчи бошқа жиҳатларига ҳам эътибор қаратайлик. Аввало, исрофгарчилик иллати меҳнат унумдорлигига ва ишчи кучи сифатига бевосита салбий таъсир ўтказмоқда. Таҳлиллар кўрсатадики, тўй мавсумларида, айниқса, қуз ва ёз ойларида давлат хизматчилари, тадбиркорлар ва оддий ишчиларнинг иш самардорлиги сезиларли даражада пасаяди. Тунги базмлар, кетма-кет зиёфатлар ва улардаги жамолнинг ҳамда руҳий зўриқишлар оқибатида инсонлар эртаси кунни тўлақонли меҳнат қилишга лаёқатсиз бўлиб қолади. Мамлакат иқтисодиёти учун ҳар бир ишчи соатининг йўқотилиши ёки самарасиз ўтиши ялпи ички маҳсулот ҳажмида кўрилан зарар демакдир. Ривожланган давлатларда вақтни бошқариш ва меҳнат интизоми бирламчи ўринга қўйилгани боис, улар бундай “яширин” иқтисодий зарарлардан холидир.

Бундан ташқари, дабдабозлик “яширин иқтисодиёт”нинг гуллаб-яшнашига замин яратувчи асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Тўй индустриясида айланаётган миллионлаб доллар маблағнинг катта қисми нақд пул кўринишида ҳаракатланади. Ресторанлар, санъаткорлар, безакчилар ва хизмат кўрсатувчи бошқа соҳа вакиллари аксарият ҳолларда даромадларини декларация қилмайди. Бу эса давлат бюджетига улкан миқдордаги солиқлар тушмаслигига сабаб бўлади. Давлат ғазнасига тушмаган солиқлар таъмирланмаган йўллар, қурилмаган мактаблар ва оширилмаган пенсиялар демакдир. Мамлакатимизда “яширин иқтисодиёт”га қарши кураш сиёсати самара бериши учун, аввало, аҳоли ўртасида нақд пулга асосланган дабдабали ҳисоб-китоблардан воз кечиш маданиятини шакллантириш зарурати мавжуд.

Яна бир жиддий муаммо шундаки, маблағнинг нотўғри тақсимланиши “қашшоқлик тузоғи”ни яратмоқда ва ижтимоий табақаланишни чуқурлаштирмоқда. Иқтисодиёт назариясида “Веблен эффекти” деган тушунча бўлиб, у товарларнинг нархи қанчалар қиммат бўлса, обрў орттириш илнжиди унга талаб шунчалик ошишни аниқлатади. Бизнинг жамиятда ушбу ҳолат аянчи тус олган: кам таъминланган оилалар бойларга

тақдир қилиб, ўз имкониятидан бир неча баробар юқори харажат қилишга интилмоқда. Натижада банклардан юқори фойзли истеъмол кредитлари олинди ёки қариндош-уруғлардан қарз кўтарилади. Олинган қарзлар ишлаб чиқаришга ёки даромад келтирувчи активга эмас, бир марталиқ истеъмолга сарфлангани боис, қарз юки йиллар давомида оилани эзиб келади. Бу эса аҳолининг ўрта қатламини шакллантиришга тўсқинлик қилади, ваҳоланки, кучли фуқаролик жамияти ва барқарор иқтисодиёт айнан бақувват ўрта синфга таянади.

Исрофгарчиликнинг маънавий-психологик оқибатлари инсон капитали сифатини пасайтираётгани эса энг оғриқли нуқтаимиздир. Ёшларимиз онгида “муваффақият — ҳашаматли тўй ва қиммат машина” деган сохта қадрият ўрнашиб қолмоқда. Улар машаққатли илм йўли, илмий изланиш ёки ҳалол бизнес қуришни эмас, балки тезроқ пул топиб, элга кўз-кўзлашни мақсад қилмоқда. Бу эса жамиятда интеллектуал деградацияга, яъни ақлий таназзулга етаклайди. Ваҳоланки, ХХI аср интеллектуал рақобат асридир. Илм-фанга, инновацияларга сармоя киритмаган миллатнинг келажаги йўқ. Тасаввур қилинг, агар ота-оналар сеп йигиш мусобақаси ўрнига фарзанднинг таълими учун сармоя киритиш мусобақасини ўтказганида, бугун Ўзбекистондан Нобель мукофоти лауреатлари, йирик компания асосчилари чиқishi оддий ҳолга айланадир.


Экологик барқарорлик масаласи ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим. Бугунги глобал иқлим ўзгариши ва ресурслар тақчиллиги шароитида тонналаб озиқ-овқат маҳсулотларини исроф қилиш келажақ авлод олдидаги жиноятдир. Тўйлардан кейин чиқиндида ташланаётган озиқ-овқат, бир марталиқ фойдаланилган идишлар, атроф-муҳитни ифлослантирувчи мушакбозликлар “яшил иқтисодиёт” тамойилларига мутлақо зид.

Бугунги кунда мусулмон дунёсининг ривожланган давлатлари ҳам дабдабозликка қарши кескин чоралар кўраётганига гувоҳ бўлямиз. Масалан, Бирлашган Араб Амирликлари ёки Қатар каби бой давлатларда маҳаллий аҳоли ўртасида камтарона ниҳоят маросимларини ўтказиш тарғиб қилинмоқда, чунки улар нефтдан келаётган даромад абадий эмаслигини, ҳақиқий бойлик билим ва технологияда эканини тушуниб етган. Туркияда эса тадбиркорлар топган даромадини тўйга эмас, янги фабрикалар қуришга ва туризмни ривожлантиришга сарфлашни афзал қўради. Биз ҳам ўзимизга ақин бўлган ушбу халқларнинг ижобий тажрибасини ўрганишимиз ва табиқий этишимиз мақсадга мувофиқдир.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Инсон қадри учун” ғояси, аввало, инсоний моддий қийинчиликлардан ҳалос этиш, унга муносиб турмуш шароити яратишни назарда тутади. Дабдабозлик эса инсон қадрини оширмайди, аксинча, уни моддий кулга айлантиради. Ҳақиқий инсон қадри дастурхон тўқинлиги билан эмас, балки фарзандлар тарбияси, оила тинчлиги ва жамиятга келтирилган фойда билан ўлчанади. Биз жамият сифатида шундай муҳит яратишимиз керакки, унда одамлар бир-бирини қийими ёки машинаси учун эмас, балки ақл-заковати, ҳақлолтиги ва ватанпарварлиги учун ҳурмат қилсин. Мазкур ҳолат ижтимоий психологиядаги туб бурилиш нуқтаси бўлиши шарт.

Исрофгарчилик ва дабдабозликка қарши кураш шунчаки маъмурий тақдир ёки чекловлар масаласи эмас, балки миллатнинг тафаккур тарзини, ҳаётга муносабатини тубдан ўзгартириш масаласидир. Биз фарзандларимизга ҳашаматли ҳаётнинг қалити дабдабада эмас, балки билимда, меҳнатда ва тежамкорликда эканини ўз шахсий намунамиз билан кўрсатишимиз керак. Жамиятимизда шундай муҳит яратишимиз зарурки, унда исрофгарчилик уят, камтароналик ва оқилона бошқарув эса фахр манбаи ҳисобланади. Дабдабозлик ва исрофгарчилик — янги Ўзбекистон поездининг тезлигини пасайтираётган тормоз. Биз Учинчи Ренессанс сари дамил одамлар эканмиз, эски, замонга мос келмайдиган, тараққиётимизга ғоуб бўлаётган одатлардан воз кечишга мажбурмиз. Иқтисодий прагматизм, оқилона ҳисоб-китоб ва юксак маънавият уйғунлиги бизнинг ягона тўғри йўлимизидир. Агар биз дабдабозга сарфланаётган миллионлаб долларларни ҳар йили илм-фанга, соғлиқни сақлашга ва ишлаб чиқаришга йўналтира олсак, мамлакатимиз қисқа муддат ичида дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилиш қудратига эга бўлади.

Бунинг учун эса ҳар биримиз ўзгаришни хонадонимиздан, дунёқарашимиздан бошлашимиз, исрофгарчиликка қарши ўз шахсий “иқтисодий кураш”имизни эълон қилишимиз шарт. Зеро, буюк жамиятларни жипс миллатлар ва уларнинг оқилона қарорлари барпо этади.



GAZETA.DAGI
MATERIALLARI
LOTIN YUZUGI
ASOSLANGAN UZBEK
ALIFBOSIDA UQISH
UCHUN MAZKUR
QR-KODNI SKANER
QILING.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сахифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1246.
34655 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамкулов
Мусаххис: Малохат Мингбоева
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 00:40 Топшириди — 00:40